O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI

“BUXGALTERIYA HISOBI”KAFEDRASI

“BUXGALTERIYA HISOBINI MOLIYAVIY HISOBOTNING XALQARO STANDARTLARIGA JADAL O’TKZISHNING NAZARIY, TASHKILIY METODOLOGIK MASALALARI”

Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman

MATERIALLAR TO’PLAMI

(2025-yil 13-mart)

Samarqanda- 2025 y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI

“BUXGALTERIYA HISOBI”KAFEDRASI

“BUXGALTERIYA HISOBINI MOLIYAVIY HISOBOTNING XALQARO STANDARTLARIGA JADAL O’TKZISHNING NAZARIY, TASHKILIY METODOLOGIK MASALALARI”

Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman

MATERIALLAR TO’PLAMI

(2025-yil 13-mart)

Samarqanda- 2025 y.

МИНИСТЕРСТВА ВЫСШЕГО ОБРОЗОВАНИЯ, НАУКИ И ИННОВАЦИИ

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКИ И СЕРВИСА

КАФЕДРА “БУХГАЛТЕРСТКЙ УЧЕТ”

“ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ, ОРГАНИЗАЦИОННЫЕ И МЕТОДИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ УСКОРЕННОГО ПЕРЕХОДА БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА НА МЕЖДУНАРОДНЫЕ СТАНДАРТЫ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ”

СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ

международной научно-практической конференции

(2025 yil 13-mart)

Самарканд- 2025 г.

UO‘K: 657.5
B 97
KBK: 65.052

“Buxgalteriya hisobini moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga jadal o‘tkazishning nazariy, tashkiliy metodologik asoslari” xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. 2025-yil 13-mart. Samarqand, SamISI 2025. 385 - bet

To‘plovchi nashrga tayyorlovchi:
S.N.Tashnazarov - iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Nashr uchun mas’ullar:

1. **K.B.Urazov-** iqtisodiyot fanlari doktori, professor
2. **A.N.Xoliqulov-** iqtisodiyot fanlari doktori, professor
3. **U.A.Shirinov-** PhD, dotsent.

Sahifalovchi: Ruxsora Pardaboyeva.

Ushbu an’anaviy ilmiy-amaliy konferentsiya materiallarida Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida korxonalarda aktivlar, majburiyatlar, xususiy kapital, daromadlar va xarajatlarni tan olish va baholash hamda moliyaviy hisobot masalalari; Innovatsion iqtisodiyot sharoitida auditni xalqaro standartlar asosida tashkil etish va o‘tkazishning tashkiliy dastaklari hamda metodologik masalalari; Yashil iqtisodiyot sharoitida xizmat ko‘rsatish tarmoqlari iqtisodiyotini rivojlantirish hamda iqtisodiy tahlil, marketing va menejmentni takomillashtirish; hamda innovatsion iqtisodiyot sharoitida moliya, sug‘urta, soliqqa tortish, investitsiya va bank sohalarini xalqaro standartlar asosida tashkil etish va rivojlantirish masalalari bo’yicha maqolalar va tezislar o’rin olgan.

Oliy ta’lim professor-o’qituvchilari, talabalar, magistrlar, tayanch doktorantlar, doktoranturada tahsil oluvchilar, mustaqil izlanuvchilar va soha mutaxassislariga mo’ljallangan.

Ushbu xalqaro konferensiyada keltirilgan ilmiy taklif va tavsiyalardan buxgalteriya hisobi va auditni xalqaro stsndartlarga jadal o’tkazishda hamda yashil iqtisodiyot sharoitida iqtisodiyotni

rivojlantirish, marketing va menejmentni takomillashtirish, moliyaviy munosabatlarni tartibga solishda keng foydalanish mumkin. Bundan tashqari ushbu tavsiyalardan iqtisodiyot sohasidagi me’yoriy-huquqiy hujjatlarni ishlab chishda, amaldagilarini takomillashtirishda foydalanish mumkin.

To’plamda keltirilgan raqamlar, faktlar, xulosa va tavsiyalarga mualliflar mas’ul.

ISBN: 978-9910-702-93-8

© Samarqand iqtisodiyot va servis instituti, 2025.
© “STEP-SEL” MChJ nashriyoti, 2025.

M UNDARIJA

I SHO’BA. MOLIYAVIY HISOBOTNING XALQARO STANDARTLARI ASOSIDA KORXONALARIDA AKTIV, MAJBURIYATLAR, XUSUSIY KAPITAL, DAROMADLAR VA XARAJATLARNI TAN OLISH VA BAHOLASH HAMDA MOLIYAVIY HISOBOT MASALALARI		
TASHNAZAROV SAMIDDIN NIZAMOVICH	“Молиявий бухгалтерия ҳисоби 2” фанидан чоп эттирилган янги дарслик халқаро стандартлар мазмунини ифода этади	5
TASHNAZAROV SAMIDDIN NIZAMOVICH	Халқаро стандартлар асосида бухгалтерия ҳисобининг мазмунан янги кўрсаткичлари тан олиш ва баҳолаш масалалари	10
К.Б. УРАЗОВ – Ш.УМАРОВА	Корхоналар асосий бўлмаган фаолияти турларини бухгалтерия хисобида акс эттиришдаги ноаниқликларни бартараф этиш йуллари	18
Б.Ф. БОРОНОВ Ж.А.АБДУРАСУЛОВ	Молиявий инвестицияларнинг таснифи ва уларни молиявий ҳисоботда акс эттириш	24
БОРОНОВ Б.Ф. МУСТАФОЕВ А.Ф.	Нодавлат таълим ташкилотларида харажатларни тан олиш ва бухгалтерия ҳисобини юритишнинг долзарб асалалари	28
Б.Ф. БОРОНОВ МУХАММАДИЕВ З. У.	Рақамли иқтисодиёт шароитида капитал инвестицияларнинг айрим белгилари бўйича таснифий масалалари	32
АБДУФАТТО АХМЕДЖАНОВ	Некоторые вопросы повышении достоверности отчетной информации в кластерах	38
Б.Ф.БОРОНОВ Ж.А.АБДУРАСУЛОВ	Пул маблағлариининг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги таснифи	41
Б.Ф. БОРОНОВ МУХАММАДИЕВ З. У	Рақамли иқтисодиёт шароитида капитал инвестицияларнинг айрим белгилари бўйича таснифий масалалари	46
U.A.SHIRINOV O.T.SHIRINOVA	Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida asosiy vositalar hisobini takomillashtirish	50
SHIRINOV U.A. AZIMOV I.	Inspection and control of production cost classification based on international standards	53
PASHAXODJAYEVA D IKROMOVA O.	Tijorat banklarida majburiyatlar hisobini xalqaro standartlar asosida yuritilishining ahamiyati	57

PASHAXODJAYEVA D IKROMOVA O	Majburiyatlar hisobining iqtisodiy mazmuni vauni xalqaro standartlar asosida akomillashtirish masalalari	60
ПАШАХОДЖАЕВА Д ДЖ, КАДЫРОВ АРСЛАН	Роль учёта основных средств в национальной и международной финансовой отчетности	64
ПАШАХОДЖАЕВА Д.ДЖ. СУВАНКУЛОВА Т	Учёт денежных средств	70
Ф.А.ИШОНКУЛОВА М.САЙФУЛЛАЕВА	Необходимость ускоренного перехода бухгалтерского учёта на международные стандарты финансовой отчётности.	74
Ф.А.ИШОНКУЛОВА М.НОСИРОВ	Роль и значение применение международных стандартов финансовой отчётности на практике в узбекистане	78
ABDULLAYEVA SEVARAXON XASANOVNA	Iqtisodiy barqarorlikka ta’sir etuvchi tashqi muhit omillarining o‘ziga xos xususiyatlari	81
ПАШАХОДЖАЕВА ДЖ.ДЖ. МАДЖИДОВА А	Виды обязательств в условиях перехода на международные стандарты бухгалтерского учёта	85
ПАШАХОДЖАЕВА ДЖ.ДЖ. САИДМУРОДОВА Д	Чистая прибыль как объект бухгалтерского учёта	89
MEXMONALIYEV ULUG‘BEK ERKINJON O‘G‘LI	Korxonalarda ichki nazorat tizimini takomillashtirish	92
QUDBIYEV NODIR TOHIROVICH	Ijara munosabatlarining bosqichlari, mohiyati va rasmiylashtirilishi.	95
G‘ANIBAYEV ILXOMJON SHOKIRALIYEVICH	Avtomobil transporti korxonalarida xarajatlar hisobini mhxs asosida takomillashtirish masalalari	98
AXMADALIYEVA ZEBO ABDUXALIMOVNA	Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga ko‘ra uzoq muddatli aktivlarning o‘ziga xos jihatlari.	102
МАМАРАСУЛОВ ДИЁРБЕК АЛИЖОН УГЛИ	Анализ затрат на модернизацию и ремонт основного оборудования в сельскохозяйственных кластерах	105
YAHYOYEV TO’LQIN ISMATULLA O’G’LI	Buxgalteriya hisobi xalqaro standartiga ko’ra moliyaviy hisobotning birinchi shakli “Moliyaviy holat to’g’risidagi” hisobot elementlarining alohida xususiyatlari.	110

YAHYOYEV TO’LQIN ISMATULLA O’G’LI	Moliyaviy hisob xalqaro standartlariga ko’ra moliyaviy hisobotni ikkinchi shaklini shakllantirishni alohida xususiyatlari.	112
ТОҲИР ТОЛМАС ЎҒЛИ САТТОРОВ	Тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда сотиш жараёни бухгалтерия ҳисобида молиялаштиришнинг салмоқли компоненти ва қайтариш ҳуқуқи	115
ТОҲИР ТОЛМАС ЎҒЛИ САТТОРОВ	Korxonalarda gilam ishlab chiqarish jarayonlarining xususiyatlari	130
ЭШОНҚУЛОВ АКМАЛ QUDRATOVICH	Пул маблағлари тушунчаси бухгалтерия ҳисоби объекти сифатида тавсифи	135
A.Q. ESHONQULOV SADRIDDINOVA M. A.	Boshqaruv hisobida variable costing, absortion costing va standart costingning qo‘llanishi	141
НУРНИЁЗОВ ФЕРУЗ АБДУРАШИД ЎҒЛИ	Корхоналаргакўрсатилаётган изматлардан бири электр энергия сохасини, Ўзбекистонда вужудга келиши ва бугунги холати	145
KHUDOYNAZAROVA DILNOZA GAFUROVA	Improving the accounting of financial investments in enterprises	149
XUDAYNAZAROVA D.G. XURRAMOVA SH. .Z	Korxonalarda mehnat haqi hisobini takomillashtirish	151
ЖАРИМБЕТОВ АЖИНИЯЗ КУРБАНБАЕВИЧ	Активлар қадрсизланиши ҳисобининг хориж тажрибаси	156
GUZAL DJUMAYEVA AXTAMOVNA	Foydalanish huquqi ko’rinishidagi aktivni baholash	159
A.M.MISIROV	Xalqaro standartlarga muvofiq moliyaviy holat to’g’risidagi hisobot tuzilishi va bhms bilan taqqoslanishi	165
Narzullayeva O.Q	Buxgalteriya hisobining milliy standartlarini xalqaro standartlar asosida muvofiqlashtirishning ahamiyati	169
II SHO’BA. BOB.INNAVOTSION IQTISODIYOT SHAROITIDA AUDITNI XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA TASHKIL ETISH VA O’TKAZISHNING TASHKILIY DASTAKLARI HAMDA METODOLOGIK MASALALARI		
ТУЛАХОДЖАЕВА М.М.ХОДЖАЕВА М	Экологический аудит: мировой опыт и практика в узбекистане	173

РАХМАТХОДЖАЕВ ТОИР ТУРГУНБАЕВИЧ	Ички ва ташқи аудитни мувофиқлаштириш	185
U.A.SHIRINOV	Auditni xalqaro standartlar asosida tashkil etish va o‘tkazishning tashkiliy dastaklari hamda metodologik masalalari	189
ERGASHEV X ABLAQULOVA S, YUSUPOV A	Xizmat ko‘rsatish sohasini davlat tomonidan qo‘llab quvvatlash mexanizmi	193
IBRAGIMOV M. M. ORZUMURADOVA F	Organization of an audit of the movement of fixed assets based on international standards requirements	196
NE’MATOV O. .I QAMBAROV A	Conducting targeted revenue audits based on international standards	200
ПАШАХОДЖАЕВА Д.ДЖ. ХАЛИМОВА А.А.	учет и аудит ТМЗ: теоретические основы и сложные аспекты	205
ПАШАХОДЖАЕВА Д.ДЖ КЕВОРКОВА Э.А.	Учет и аудит готовой продукции в Узбекистане: особенности, проблемы и пути их решения	209
НУРНИЁЗОВ ФЕРУЗ АБДУРАШИД ЎҒЛИ	Корхоналарга кўрсатилаётган хизматлардан электр энергияси таъминоти харажатлари ва аудитининг мақсади ва вазифалари	212
III SHO’BA. YASHIL IQTISODIYOT SHAROITIDA XIZMAT KO’RSATISH TARMOQLARI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH HAMDA IQTISODIY TAHLIL, MARKETING VA MENEJMENTNI TAKOMILLASHTIRISH		
ISMANOV IBROXIM NABIYEVICH, SHAROBIDDINOV SH SH	“Yashil” iqtisodiyot konsepsi nuqtai nazaridan iqtisodiy tahlil	218
MUSAYEVA SHOIRA AZIMOVNA	Qurilishda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik xarajatlar tahlili hamda uni kamaytirish yo’llari	221
MUSAYEVA SH.A USMONOVA D. I. USMANOV SH. SH.	Mebel maxsulotlari bozorida segmentlashtirish jarayonini takomillashtirish yo‘llari	225
DILNOZA YULDASHEVA	Oliy ta'lim tizimida pedagogik kadrlar uchun iqtisodiy atamalarni qo'llashdagi muammolar	234
ИШОНКУЛОВА Ф.А АХМАТОВ А.Д	Экономические аспекты разработки и внедрения «зелёных» технологий в промышленности	237

ИШОНКУЛОВА Ф.А. САИДАХМАДОВ А.Ш	Развитие экономики сферы услуг: влияние на общество и мировую экономику	241
ИШОНКУЛОВА Ф.Ю. НОСИРОВА М.З.	Экономический анализ эффективности экологически чистых бизнес-моделей в сфере услуг	243
DAVLYATOVA GULNORA MUHAMMEDJANOVNA	“Yashil” iqtisodiyotni rivojlantirish orqali aholi farovonligini oshirish yo‘nalishlari	248
KUNDUZOVA KUMRIXON IBRAGIMOVNA	Tashkilotlarining raqobatbardoshligini oshirish bilan bog‘liq muammolar	251
ADILOVA SOLIYAKHON	In uzbekistan russian of the language importance	254
D. O‘RINOV. S.ISMOILOVA	Kompaniya rivojlanish ko'rsatkichlarini rejalashtirishning usullari	257
ТАШНАЗАРОВА НАФИСА	Савдо хизматини ривожлантириш омиллари	262
ERGASHEV JAHONGIR BAKHODIROVICH	Korxonalarda ta'minot tizimiga qo’yiladigan talablar	267
MUSURMONOVA MAHBUBA OMONOVNA	Mintaqada korxonalarni moliyaviy-iqtisodiy rivojlantirishning nazariy-metodologik asoslari.	270
ИСКАДАРОВ ШАХБОЗ ШАВКАТ ЎҒЛИ	Олий таълим хизматларини ривожлантириш зарурияти	273
MURATOV AZIZ AKBAROVICH	Iqtisodiyotni erkin bozor munosabatlariga o‘tishi jarayonida dividendlarni hisobga olinishi	276
ОТАНИЁЗОВ О.О	Пойабзал саноати корхоналарининг асосий ишлаб чиқариш фондларининг техник ҳолати	281
ИШОНКУЛОВА Ф.А ТОХИРОВА А	Развитие экономики сферы услуг и совершенствование в условиях зеленой экономики	284
ИШОНКУЛОВА Ф.А НАРЗУЛЛАЕВА Ж.Х	Роль зелёной экономики в устойчивом развитии узбекистана	287
ИШОНКУЛОВА Ф.А. МУИНЖОНОВ Ю.Б	Влияние инфляции на макроэкономические показатели в Узбекистане	291
САИДЗОДА ШАХЛОХОН МУРОДИЛЛОЕВНА	Управление культурным наследием в туристических направлениях Узбекистана	294

ЭГАМБЕРДИЕВА С.Р. РАХМАТОВ Ж.И.	Иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестицион фаолият ва унинг аҳамияти	297
УМИДОВА Ф.И	Роль маркетинга и менеджмента в устойчивом развитии экономики сферы услуг	305
ЯХШИБОЕВ Р.Э	Цифровая трансформация управления системой здравоохранения в контексте устойчивого развития и зеленой экономики	309
IV SHO'BA.INNAVOTSION IQTISODIYOT SHAROITIDA MOLIYA, SUG'URTA SOLIQQA TORTISH, INVESTITSIYA VA BANK SOHALARINI XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA TASHKIL ETISH VA RIVOJLANTIRISH MASALALARI		
АБДУЛЛАЕВ ЗАФАРЖОН АЛИЖОНОВИЧ	Уй хўжаликлари даромадига солиқ солишнинг таъсири	315
ТУЙЧИЕВА МАДИНА ГАФАРОВНА	Значимость управления экологическими и социальными рисками в коммерческих банках	317
Azimova Hulkar Egamberdievna	TIJORAT BANKLARIDA KREDIT PORTFELINI TASHKIL ETISHNING O'ZIGA XOS JIHATLARI	321
TURANBOYEV BOBURJON QODIRJON O'G'LI	Mamlakatimizda kichik tadbirkorlik subyektlarini soliqqa tortishning huquqiy jihatlari.	325
ERKINXOJIYEV.I.I	Innovatsion iqtisodiyot sharoitida investitsion loyihalarni moliyalashtirishning dolzarbligi	329
BOYMAXMADOV ALISHER XOLIYOR O'G'LI	Raqamli bank xizmatlari rivojlanishining mijozlar hayotidagi o'rni	332
ASHUROVA O.Y. .MAMATKULOV SH.	The impact of small business and private entrepreneurship on the activation of investment activities	337
ASHUROVA O.Y. G'AYBULLAEV A.	O'zbekistonda investitsiya risklari va ularni kamaytirish yo'llari.	341
SODIQ BOYMUROTOV ULUGBEK BOYMURODOV	O`zbekistoda suv resurlaridan foydalanish samaradorlini oshirishda soliq mexanzmlarining o`rni	344
JUMAYEV SHUXRAT	Respublikamizda tabiiy resurslarni soliqqa tortishni takomillashtirishga oid	351

ABDURAHMANOV KAROMAT ERKINOVICH	O‘zbekistonda yer solig‘ini takomillashtirish masalalariga oid	355
KURBANOV ILXOM BEGAMOVICH	Jismoniy shaxslar daromadlarini soliqqa tortish amaliyotini takomillashtirish	359
RAXIMOV X.A	Sug‘urta xizmatlarini ko‘rsatuvchi sub’ektlarda buxgalteriya hisobining o‘ziga xos xususiyatlari	363
SHOYQULOVA ZAXRO OYBEK QIZI	Bank tizimida tijorat banklarining ahamiyati	368
RAJABOEV SHAHBOZ SHODIYEVICH	Essence of decisions on measures for the development of information and communication technologies	372
D.S.TASHNAZAROVA	STANDART COSTING MOHIYATI, NATIJALARI VA QO’LLASH USLUBIYOTINI TAKOMILLASHTIRISH	374

8030	Бошқа умумлашган даромадлар: жамғарилган актуар фойда ёки зарарлар
9910	Фойда ва зарарлар: бошқа операцион харажатлар
9910	Фойда ва зарарлар: фоиз бўйича харажатлар

Хулоса қилиб айтганда, халқаро стандартларга мувофиқ кўрсаткичлар тизимини шакллантириш, уларни тан олиш, баҳолаш ва ҳисоботларда акс эттиришнинг услубий масалаларини тадқиқ этишни давом эттириш ва бу борада кенг кўламли ишларни олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори. 2020 йил 24 февраль. ПҚ-4611-сон.

2. Янги таҳрирдаги Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари. https://www.lex.uz/docs/7058293

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. -104 б. 11, 23 ва 30-бетлар.

4. С. Ташназаров Молиявий бухгалтерия ҳисоби 1 [Матн]: дарслик / Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти – Самарқанд.: “STEP-SEL” МЧЖ нашриёти, 2023 - 580 бет

5. С.Н.Ташназаров, М.Е.Пўлатов, Б.Ф.Боронов, Ю.Ш.Рахмонова, Г.А.Джумаева, Ф.З.Юсупова, О.И.Неъматов, Д.С.Ташназарова, А.К.Эшонқулов, Т.Т.Сатторов. Молиявий бухгалтерия ҳисоби 2 [Матн]: дарслик / Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти – Самарқанд.: “STEP-SEL” МЧЖ нашриёти, 2024 - 770 бет.

КОРХОНАЛАР АСОСИЙ БЎЛМАГАН ФАОЛИЯТИ ТУРЛАРИНИ БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИДА АКС ЭТТИРИШДАГИ НОАНИҚЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

К.Б. Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.,
Ш.Умарова -СамИСИ таянч докторанти

Аннотация. Мақолада корхонанинг асосий ва асосий бўлмаган фаолият турларининг асосий фарқлари ҳамда асосий бўлмаган фаолият турлари бўйича даромад ва харажатлари, пул оқимларини молиявий ҳисоботларда акс эттиришдаги номутаносибликлар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари келтирилган.

Калит сўзлар. Асосий фаолият, асосий бўлмаган фаолият, молиявий фаолият, инвестициявий фаолият, фоиз даромадлари, фоизли харажатлар, молиявий ижара, курс фарқи.

Аннотация. В статье представлены основные различия между основной и неосновной деятельностью предприятия, а также отображены несоответствия в отражении доходов и расходов, движения денежных средств по неосновной деятельности в финансовой отчетности и пути их устранения.
Ключевые слова. Основная деятельность, неосновная деятельность, финансовая деятельность, инвестиционная деятельность, процентные доходы, процентные расходы, финансовая аренда, курсовая разница.

Annotation. The article presents the main differences between the operative and non-operative activities of the enterprise, as well as inconsistencies in the reflection income and expenses, cash flows for non-operative activities in financial statements and ways to eliminate them.
Keywords. Operative activity, non-operative activity, financial activity, investment activity, interest income, interest expense, finance lease, exchange rate difference.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислоҳатлар ва ташаббуслар натижасида тадбиркорлик фаолияти жадал суръатларда ривожланмоқда. Эндиликда, нафакат ишлаб чиқариш, балки хизмат кўсатиш ва консалтинг хизматлари ҳам ривожланиб бормоқда. Корхоналарнинг ривожланиши эса ўз навбатида уларнинг молиявий барқарорлигига боғлиқ. Корхона молиявий барқарор бўлиши учун молиявий ресурсларидан самарали фойдаланиши лозим. Бунга президентимиз ҳам алоҳида эътибор қаратиб, 2025 йил 20 декабрда тадбиркорлар билан бўлиб ўтган ушрашувларида “Энди тадбиркорлар банк кредити билан чекланиб қолмасдан, халқаро стандартларга мослашиб, четдан мустақил маблағ олиб келиши керак. Бунинг учун халқаро консалтинг компанияларини жалб қилиб, тадбиркорларнинг ташқи молия бозорларига чиқишига кўмаклашувчи марказ очилиш лозим” деб айтиб ўтдилар.[1] Демакки, корхоналар учун ҳозирда халқаро стандартларга мослашиш ҳамда молиявий саводхонлигини ошириш долзарб масалалардан бўлиб турибди. Раҳбарларда молиявий саводхонлик ошгани сари корхонанинг асосий фаолияти билан бир қаторда, инвестиция ҳамда молиявий фаолияти ҳам ривожланиб боради. Компаниянинг ҳозирги ёки келажакдаги потенциал молиявий кўрсаткичларини баҳолашда молиявий ҳисоботлардаги асосий ва асосий бўлмаган фаолият таркибий қисмларининг таъсирини ҳисобга олиш муҳимдир. Масалан, асосий бизнес фаолияти натижаларига кўра юқори даромадли бўлиб кўринадиган компания, асосий бўлмаган харажатлар туфайли катта зарарга дуч келиши мумкин. Асосий бўлмаган фаолият даромадлари ва харажатлари молиявий ҳисоботларда корхона фаолиятининг

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Фаол тадбиркорлар билан ўтказилган видеоселектор йиғилиши, 20 декабрь, 2024-йил https://president.uz/uz/lists/view/7778

одатий жараёнида ҳосил бўлмаган даромадлар ва харажатларни ўз ичига олади ҳамда ҳисоботларда алоҳида моддаларда акс эттирилади.

Олиб борилган татқиқотлар бўйича айтишимиз мумкинки, корхонанинг даромадлари ва харажатларига турлича ёндашувлар ва таърифлар берилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисобининг Миллий Стандарти (2-сонли бҳмс) «Асосий хўжалик фаолиятидан даромадлар»да “Хўжалик фаолиятидан даромадлар асосий ва молиявий фаолиятдан даромадларни ўз ичига олади” деб белгилаб қуйилган.[2] Аммо, бошқа бир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатимиз бўган Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун КОНСЕПТУАЛ АСОСда “Ялпи даромад ташкилотнинг асосий ва асосий бўлмаган фаолиятидан олинган даромадларини ўз ичига олади. Асосий фаолиятдан даромад маҳсулот, ишлар, хизматлар, товар-моддий захиралар, бошқа активларни реализация қилиш, шунингдек мукофотлар, фоизлар ва дивидендлар, гонорарлар ва ташкилотнинг асосий фаолиятидан келиб чиқиб рента кўринишида олиниши мумкин. Асосий бўлмаган фаолият натижасида юзага келадиган даромадларга биржада айланадиган қимматли қоғозларни қайта баҳолаш мисол бўлиши мумкин. Бундай даромадлар, агар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда тан олинса, алоҳида кўрсатилади, чунки иқтисодий қарорларни қабул қилишда улар ҳақидаги маълумот фойдали бўлиши мумкин.”[3]-деб келтирилган.

Сўнгги қабул қилинган хужжатлардан бири бўлган, 2024 йил 4 ноябрда Адлия Вазирлигидан рўйхатдан ўтказилган янги таҳрирдаги “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари ҳамда уларнинг таркиби ва мазмуни тўғрисида”ги низомга мувофиқ “Молиявий натижалар тўғрисида”ги ҳисоботда корхона даромадлари ва харажатлари маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум, мотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннархи, давр харажатлари, асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари, молиявий фаолиятнинг даромадлари, молиявий фаолият бўйича харажатлар, фавқулоддаги фойда ва зарарлар каби сатрларга бўлинган[4]. Бундан хулоса қилишимиз мумкинки, корхонанинг асосий бўлмаган фаолияти сифатида молиявий фаолиятидан олинган даромадлари ва харажатлари кўрсатилган бўлиб, улар қуйидагича гуруҳланган (1-расмга қаранг):

[2] Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисобининг Миллий Стандарти (2-сонли бҳмс) «Асосий хўжалик фаолиятидан даромадлар», 5 август, 2024 йил https://www.lex.uz/acts/7051181

[3] Moliyaviy hisobotni tayyorlash va taqdim etish uchun KONSEPTUAL ASOS, 12 iyul, 2024 yil https://lex.uz/acts/-7015916

[4] “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари ҳамда уларнинг таркиби ва мазмуни тўғрисида”ги низом, 4 ноябр, 2024 йил. https://lex.uz/ru/docs/-7194594



1-расм. Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ва харажатлар

Яна бир муҳим стандартимиз бўлган, Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисобининг Миллий Стандарти (9-сон БҲМС) “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот” га мувофиқ эса корхона фаолияти уч гуруҳга ажратилган:

операцион фаолият — ташкилотнинг даромад келтирувчи асосий фаолияти, шунингдек унинг инвестиция ва молиявий фаолиятига тегишли бўлмаган бошқа хўжалик фаолияти;

инвестиция фаолияти — пул маблағлари эквивалентларига ва узоқ муддатли активларга кирмайдиган бошқа инвестиция обйектларини харид қилиш ва ҳисобдан чиқариш;

молиявий фаолият — ташкилотнинг хусусий капитали ва қарз маблағлари миқдори ва таркибида ўзгаришларга олиб келадиган фаолият.[5]

“Пул оқимлари тўғрисида”ги ҳисоботда инвестиция фаолияти ва молиявий фаолият бўйича пул оқимлари қуйидагича гуруҳланган (2-расмга

[5] Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисобининг Миллий Стандарти (9-сон БҲМС) “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот”27 декабр, 2024 йил https://lex.uz/docs/-7282782

қаранг):



2-расм. Инвестиция фаолияти ва молиявий фаолият бўйича пул оқимлари

Юқоридаги иккита расмдан кўришимиз мумкинки, ҳисобот шаклларида корхона фаолият турларини таснифлашда номутаносибликлар мавжуд. Биринчидан, “Молиявий натижалар тўғрисида”ги ҳисоботда корхона фаолияти асосий фаолият ҳамда молиявий фаолиятга ажратилган, аммо “Пул оқимлари тўғрисида”ги ҳисоботда корхона фаолияти операцион, инвестицион ҳамда молиявий фаолиятга ажратилган. Иккинчидан, “Молиявий натижалар тўғрисида”ги ҳисоботда валюта курси фарқидан даромадлар ва харажатлар молиявий фаолиятга киритилган бўлса, “Пул оқимлари тўғрисида”ги ҳисоботда молиявий фаолиятга киритилмаган ҳамда алоҳида сатрда “Солиққа тортиш” бўлимида келтирилган. Учинчидан, “Молиявий натижалар тўғрисида”ги ҳисоботда “Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда”, “Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда” каби кўрсатгичлар асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари сифатида қаралган бўлса, “Пул оқимлари

тўғрисида”ги ҳисоботда инвестиция фаолияти бўйича пул оқимлари сифатида келтирилган.

Олиб борилган татқиқотлар натижасида қуйидаги таклифларни беришимиз мумкин:

Корхона фаолиятини асосий фаолият, инвестицион фаолият ҳамда молиявий фаолият каби уч гуруҳга ажратиш;

- “Молиявий натижалар тўғрисида”ги ҳисобот ҳамда “Пул оқимлари тўғрисида”ги ҳисобот шаклларини бир-бирига мутаносиблигини таъминлаш мақсадида, “Молиявий натижалар тўғрисида”ги ҳисоботда инвестиция фаолиятидан олинган даромадлар сатрини киритиш ҳамда молиявий фаолиятдан олинган даромадларни инвестиция фаолидан олинган даромадлар сифатида тан олиш;
- “Пул оқимлари тўғрисида”ги ҳисоботни халқаро стандарт талабларига мослаштириш ҳамда олинган ва тўланган фоизлар ва дивидендлар кўринишидаги пул оқимлари фақатгина молиявий фаолият бўйича пул оқимида эмас, балки уларнинг ҳар бири қайси фаолиятга тегишлилигига кўра операцион, инвестицион ёки молиявий фаолиятга тегишли пул оқими сифатида таснифланиши лозим.
- Валюта курси бўйича фарқлари ҳар икки ҳисоботда ҳам алоҳида сатрда акс эттириш лозим, чунки мазкур фарқларни корхонанинг айнан бир фаолият турига тегишли деб айтолмаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Фаол тадбиркорлар билан ўтказилган видеоселектор йиғилиши, 20 декабрь, 2024-йил https://president.uz/uz/lists/view/7778

2.“Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари ҳамда уларнинг таркиби ва мазмуни тўғрисида”ги Низом, 4 ноябр, 2024 йил. https://lex.uz/ru/docs/-7194594

3.Moliyaviy hisobotni tayyorlash va taqdim etish uchun KONSEPTUAL ASOS, 12 iyul, 2024 yil https://lex.uz/acts/-7015916

4.Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисобининг Миллий Стандарти (2-сонли бҳмс) «Асосий хўжалик фаолиятидан даромадлар», 5 август, 2024 йил https://www.lex.uz/acts/7051181

5.Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисобининг Миллий Стандарти (9-сон БҲМС) “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот”27 декабр, 2024 йил https://lex.uz/docs/-7282782

6.Уразов К.Б., Пўлатов М.Э. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. – Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot matbaa uyi”, 2021. 560 бет. http://kitob.sies.uz/frontend/web/kitob/kitob_006357c2441eaa5.pdf